

4. The composition of the beef-flavored doshirak. Does "Doshirak" harm the figure? Calorie content of the finished dish and its effect on health // article // - – URL: <https://espressomio.ru/en/american-kitchen/sostav-doshirak-so-vkusom-govyadiny-vredit-li-figure-doshirak/>
5. Hindiston rasmiy sayti - – URL: [https://cbic.gov.in/resources//htdocs-cbec/customs/cst2023-010523/Customs%20Tariff%20\(Chap-1%20to%2098\)%20on%2001-05-2023.pdf](https://cbic.gov.in/resources//htdocs-cbec/customs/cst2023-010523/Customs%20Tariff%20(Chap-1%20to%2098)%20on%2001-05-2023.pdf)
6. Pokiston rasmiy sayti - – URL: https://download1.fbr.gov.pk/Docs/2023111715113124511PAKISTAN_CUSTOMSTARIFF-2023-24.pdf
7. Kenya davlatining rasmiy sayti - URL: <https://www.kra.go.ke/images/publications/Excise-Duty-Act-2015-Revised-2021.pdf>
8. Uzum onlayn savdo platformasi - URL: <https://uzum.uz/ru/product/lapsha-rollton-so-223289>
9. Sarvarovich, S. S. (2023). APPLICATION OF TARIFF PREFERENCES IN DEVELOPED COUNTRIES THAT ARE MEMBERS OF THE WORLD TRADE ORGANIZATION. World Economics and Finance Bulletin, 22, 180-187.
10. Jamolov, O. (2023). FACTORS ENSURING THE ACTIVITY OF ENTREPRENEURIAL ACTIVITIES. Экономика и социум, (2 (105)), 131-134.
11. Dilshod To'yuchi o'g, K., Abdujalil o'g'li, Y. F., & Abdujalil o'g'li, A. B. (2023). Analysis of the Current State of the Bank Risk Management System. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 4(1), 60-64.
12. Norqo'ziyev, Q., Aynakulov, T., Mahkamov, S., & Sodiqov, D. (2024). IMPLEMENTING MOBILE ROBOT WALKING PATH CONTROL AND TRACKING IN C# WINDOWS FORM APPLICATION. International Journal of scientific and Applied Research, 1(3), 95-99.

ТУРКИСТОН ТИЗМАСИДА ХАЛҚАРО ТОҒ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

Эрматова Гуллола

Жиззах Самбрам университети МВА факультети 2-босқич талабаси

XXI асрга келиб дунё миқёсида давлатлар индустурлашиши, шаҳар агломератцияларнинг кенгайиши ёки бир сўз билан айтганда “интенсив хаёт” нинг доимийлиги, инсонларнинг бўш вақтларида табиат қўйнида дам олишга бўлган эҳтиёжини ортишига олиб келди. Машҳур ёзувчи Лев Толстой "Энг катта бахт, бу табиат билан доимо алоқада ва мунособатда бўлишдир", деб бежиз айтмаган эди.

Хозирги вақтда ривожланаётган кўпгина мамлакатларни барқарор ривожлантириш концепсиясида тоғ туризмининг ўрни алоҳида эътироф этилмоқда. Мутахассислар халқаро тоғ туризмини тоғли ҳудудларнинг ривожланишида асосий восита ролини ўйнашини тан олмақдалар. Шу боисдан ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан дунё миқёсида 2002 йилни “тоғ ва экологик туризм йили” деб эълон қилинган эди.

Туризм тармоғи даромад келтириш бўйича иқтисод тармоқлари ичида 3 ўринга кўтарилганлиги, Ўзбекистонда тоғ туризми (экотуризм) тарихий ёдгорлик туризми билан халқаро туристик объектлари бўйича беллаша оладиган ягона туризм тармоғи эканлиги ва қолаверса тоғ туризми ҳам янги йўналиш бўлиб, айтарли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Бизга маълумки, Ўзбекистонда кўпгина тармоқларнинг ривожланиши билан бир каторда туризм тармоғининг ривожланишига ҳам катта эътибор берилмоқда.

Мустақиликнинг дастлабки йиллари Ўзбекистонга, халқаро туристларнинг ташрифи Самарқанд, Бухора, Хива ва Шахрисабз каби қадимий тарихи шаҳарлар билан боғлиқ бўлган. Кейинги йилларда эса мамлакатимизда туризм индустриясининг ривожланишига, ҳар томонлама катта эътибор берилмоқда. Натижада, республикаимизга келувчи халқаро туристларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2013 йилги маълумотларга қарайдиган бўлсак, дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатларидан 2 миллиондан ортиқ сайёҳ ташриф буюрган. Ўша йили сайёҳлик хизматлар экспорти ҳажми 615 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Бугунги кунда туризм соҳасида 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда, бу тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигаги улуши 2 фоиздан ошди.

Халқаро туризм соҳаси экспертларнинг маълумотига кўра, Ўзбекистон туризмни тез сураётганда ривожланиши бўйича дунё мамлакатлари ичида 5 ўринда туради. Республикаимизда халқаро тоғ туризмни ривожлантириш нафақат инсон саломатлигини тиклашда, балки давлатимиз иқтисодиётини барқарор ривожланишдаги ўрни ҳам бекиёсдир.

Ноёб табиатли тоғ ва тоғ олди ҳудудлар, республикаимиз майдонининг

21 фоизини эгаллаган бўлса ҳам, халқаро тоғ туризми йўналиши юқори даражада ривожланиш босқичига ўтгани йўқ. Шу сабабли ҳам муаллифларнинг Туркистон тизмаси ва унинг этагида жойлашган Зомин шаҳрида халқаро тоғ туризмнинг ривожланиши борасида олиб борган кўп йиллик илмий изланиш ва кузатишларини умумлаштирган ҳолда “Туркистон тизмасида халқаро тоғ туризмни ривожлантириш йўллари” мавзусидаги монографияси тайёрланди.

“Туркистон тизмасида халқаро тоғ туризмни ривожлантириш йўллари” мавзусидаги монографиясида, Туркистон тизмасининг табиий географик, иқтисодий-ижтимоий хусусиятлари ҳамда туристик объектлари уйғун ҳолатда ўрганилди ва атрофлича таҳлил қилинди. Келгусида Туркистон тизмасида, халқаро тоғ туризмни ривожлантириш борасида таклиф ва мулоҳазалар ҳам бериб ўтилди. Туркистон тизмасида халқаро тоғ туризмни ривожлантиришнинг оптимал вариантлари ҳамда “Табиат-аҳоли-туризм” учбирлиги (триада) даги мувозанатни сақлаш муаммоси каби масалаларни ечимини топишга имкон қадар ҳаракат қилинди.

Мамлакатимиз халқаро туризмни ривожланиши учун жуда бой имкониятларга эга. Буларга “Буюк Ипак йўли” нинг шох томири республикаимиз ҳудудидан ўтганлиги, бутун дунёга машҳур тарихий ва маданий масканлари - Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Қўқон ва Тошкент каби шаҳарлар ҳамда табиий ва соғломлаштириш ресурсларига бой минтақаларимиз Чимён, Шохимардон, Зомин, Бойсун ва Шеробод ҳудудлари халқаро туризм объектларига мисол бўлади.

Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун асос солинди деб ҳисобласа бўлади. Бунга далил сифатида 1995 йил 2 июндаги “Буюк Ипак йўли” ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисидаги фармонни, Президентимиз томонидан қабул қилинишидир. Бу фармонга биноан туристик корхоналар бир қатор солиқ имтиёзларга эга бўлишди. Бу фармон “Буюк Ипак йўли” да жойлашган тарихий ва маданий шаҳарларда туристик йўналишларнинг ривожланишига туртки бўлди. Минг йиллар давомида “Буюк Ипак йўли” Осиё ва Европа халқларини бирлаштиришнинг аҳамиятли ва самарали усули ҳисобланиб келган.

“Буюк Ипак йўли” бошланиш тарихи, эрамиздан аввалиги II-асрларга тўғри келиб,

бу ходиса ўша даврларда ипак матосининг ноёб ва қимматбаҳо бўлганлиги билан боғлиқдир. Масалан, ўрта асрларнинг дастлабки даврларида ипак энг қадимги ҳисоб-китоб бирлиги бўлиб, ҳатто тиллани сиқиб чиқарадиган даражада эди. Сўғдиёнада бир отнинг нархи 10 та ипаклик кийим билан тенглаштирилган.

Жиззах вилоятидаги тоғ ва тоғ олди ҳудуди қишлоқлари Бахмал, Зомин, Янгиобод, Ғаллаорол ва Фориш туманларида жойлашган. Қолган туманлар эса асосан ўзлаштирилган чўл ҳудудларида ташкил топган бўлиб, улар ҳам ўз навбатида ўзига хос демографик хусусиятларга эга.

Жиззах вилояти тоғ ва тоғ олди туманларининг маъмурий ҳудудий таркиби куйидагича ифодалашимиз мумкин. Бахмал туманида 10 та қишлоқ фуқоралик йиғинига қарашли 102 та қишлоқ, Зомин туманида 12 та ҚФЙ га қарашли 80 та қишлоқ, Фориш туманида 11 та ҚФЙ га қарашли 112 та қишлоқ, Ғаллаорол туманида 14 ҚФЙ га қарашли 106 та қишлоқ ва Янгиобод туманига қарашли 5 ҚФЙ га қарашли 30 та қишлоқ, жами 430 та қишлоқ мавжуд. Агар вилоятда умумий қишлоқлар сони 561 та бўлса, шундан 80 % қишлоқлар тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган.

Туркистон тоғли ҳудудларида “Табиат-аҳоли-хўжалик” учбирлигидаги мувозанатнинг сақлаш мақсадида 1 та миллий боғ, 3 та кўрикхона ташкил қилинган. Куйида, ҳудуддаги Зомин ва Нурота кўрикхоналари ҳамда Зомин миллий боғи тўғрисида қисқача маълумотларни келтириб ўтамиз.

Зомин давлат тоғ-ўрмон кўрикхонаси Ўзбекистондаги тўнғич кўрикхона бўлиб, 1926 йилда “Ўралаш тоғ-арча кўрикхонаси” номи билан ташкил этилган эди. Аммо 1929 йилга келиб у кўрикхона тугатилади. Кейинчалик 1933 йилда қайта тикланди. Бу ҳудудда табиатни муҳофаза қилиш ишлари 1951 йилгача давом этди, шу йили кўрикхона ҳудуди Жиззах ўрмон хўжалиги ихтиёрига берилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 80 б.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.
3. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил 7 декабрь.
4. Абдирахмонов А. Бўстонлиқ тумани рекреация ва туризм ресурслари ва улардан фойдаланишнинг айрим масалалари. Замонавий география ва унинг ривожланиш истиқболлари. Тошкент, 25-27 март 2011й.